

25676
Ю 0

Тохир
Хақбердиев

**МУҲАББАТ
ДИЁРИ**



25676

10 0 2000А-291493
Хаддерслев
Музейская
зебри; Ulleruploft

2000 200e.

2000А-291493

ТОҲИР ҲАҚБЕРДИЕВ

МУҲАББАТ ДИЁРИ

Шеърлар

Faфур Fулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 2000

Ўз2
Х 20

Ҳақбердиев Т.

Муҳаббат диёри: Шеърлар.— Т.: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2000—64 б.

Инсон ўз ташвиш-ўйлари, ўзининг орзу-ҳаваслари билан ўралашиб қолмаслиги керак. Чунки ҳаёт фақат шулардангина иборат эмас. Инсонга дунё тақдири, юксак муҳаббат ва инсоний бурч каби туйғулар ҳам дахлдор бўлиб, буларсиз яшашнинг, бунёдкорликнинг, аждодлар фазилатла-рига ворисликнинг қизиги бўлмайди.

Мазкур тўплам шоирнинг ана шундай мавзулардаги шеърларидан тартиб берилган бўлиб, ўкувчиларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Ўз2

X 4702620202 - 6
M352(04) - 2000 - қатъий буюртма, 2000

10

ISBN 5-636-01842-4

© Тоҳир Ҳақбердиев, Faфур
Фулом номидаги Адабиёт
ва санъат нашриёти, 2000 й.

A | O'zb. Res. DK
| 2914

25676
10 093

Меҳр дунёси



Шеърият — аслида меҳр дунёси,
Шеърпаратт инсонда бордир муҳаббат.
Қай дилда бор экан меҳр зиёси,
У тинчлик истайди, истамас ғурбат.

Муҳаббат диёри — аслида Ватан,
Муқаддас замин-чун — энг нафис түйғу.
Шеърият, муҳаббат — бир юрак, бир тан,
Муҳаббат, Ватансиз йүқ роҳат, уйқу!

САДОҚАТ ҚҮШИГИ

Ишқингда гуллади ўн олти ёшим,
Сеҳрли қабутар каби күриндинг.
Гоҳ очиқ, гоҳ пинҳон бўлдинг йўлдошим,
Соф ишқий бир дафттар каби күриндинг.

Сўнгра айирдилар, ҳижрон — бир денгиз,
Икки дил денгизнинг икки ёнида.
Ўн беш йил фироқда, айрилиқ тенгсиз,
Ишқ гўё қолмади қалбим жонида.

Вақт ўтиб, нурланди фидойинг — кўнгил,
Яна ишқ чўғини гурлатди шамол.
Яна сайраб кетди нозиклашган тил,
Менга руҳ нурини сочгандай ҳилол.

Сенга ошуфта дил музламабди, ҳай,
Чексиз фироқлардан ўтганда содик.
Сархуш бўлиш учун май дўсти бўлмай,
Хижронда ишқингдан олибди ҳордиқ.

Оҳ, яна севибман ўсмир мисоли,
Пардоз ҳам бердим-у, тикилдим узоқ.
Қалбимни безади ишқинг висоли,
Мен ўзим ўзимга қўйибман тузоқ.

Майли, боз тузоқда сенинг мафтунинг,
Майли, боз бошимда улкан азият.
Ошиқлар мулкида менман дилхунинг,
Мендай ким вафодор, айтгил, Шеърият?!

* * *

Ҳоким бўлсам баҳт денгизига,
Ҳар томчиси қилса итоат,
Соф аёллар гулгун юзига
Сувларидан сепардим фақат.

Ҳоким бўлсам баҳт денгизига,
Шу денгизга қилиб ибодат,
Ҳар Инсоннинг ўғил-қизига
Денгиз томон берардим рухсат.

Ҳоким бўлсам баҳт денгизига,
Томчиларин айлаб эҳтиёт,
Үйлантириб баҳтнинг қизига,
Инсон, умринг безарди ҳаёт.

Ҳоким бўлсам баҳт денгизига —
Барҳам ерди заминдан офат.
Ҳар қадамда Инсон кўзига
Кулиб боқар эди Адолат!

УМИД

Умид — учаётган шуълабахш юлдуз,
Имиллаб ва имлаб ёзар қанотин.
Дил сезар: келади хузурбахш кундуз,
Нурларга тўлдириб кўнгил ҳаётин.

Эҳ, қанча софлик бор орзу-ҳавасда,
Бир қудрат бағишлар ожиз жонларга.
Учкунча бўлса ҳам умид қафасда,
Жилмайиб имлайди кенг осмонларга.

УМРИМ ОЛТИНЛАРИ

Умрим олтинлари сочилиб-сочилиб,
Фикримни чулгайди бир хаёл, хушсўз.
Кўнглим фунчалари очилиб-очилиб,
Бир ишқни истайди, ишқки, дилафрўз.

Хушсўз хаёллар ҳам осуда-осуда,
Фидойи дўстлардан олтин ранг ёдгор.
Дилафрўз севги ҳам келмас бехуда,
У мезбон бўлса гар, умрим бегубор.

* * *

Сабр боғларида ечилган орзу
Ишқни қанотида олиб учган чоғ,
Эзгулик баҳт учун бўлди тарозу,
Умр қадамлари сезмади чарчоқ.

Ҳаёт майдонлари — нотекис майса,
Тўп каби тепилар лаҳзамиз ҳар ён.
Умр буғдойлари бир-бир камайса,
Кўнгил тўлғонади, боқади гирён.

Ҳар томон учсак-да гўё болари,
Ҳаёт биз-чун азиз гул, ёр сингари.

* * *

Умр — бир иморат, усти ёпилган,
Лаҳзасин авайлаб этгин нақшинкор.
Умр — бир жасорат, ишқдан топилган,
Унинг ноёблигин ким этар инкор?
Ва лекин ҳаётда қилмоқ-чун форат,
Ёғочхўр қуртлардай кулфатлар қатор.
Меҳнат-ла нур соч-у, кўрмай асорат
Эзгулик уругин эккин ҳар наҳор.

* * *

Келажак — бир жумбоқ, ким ҳам билади,
Башорат қилолмас ҳатто фолбин ҳам.
Мен қанча яшайман, қай тиф тилади
Умрим юрагини, бу менга мубҳам.

Орзу оғушида буюк кунларга
Муяссар бўлай деб яшаймиз мудом.
Ишонч нурларини ёйиб тунларга,
Ҳар дилга ёруғлик этамиз инъом.

* * *

Ёлғизлик хаёлин акси юзимда,
Музликда яшаган каби туюлди.
Сенинг ситамларинг менинг кўзимга
Зулмат номли ҳасрат бўлиб қўйилди.
Ул ўтди кўзимдан юрагимга ҳам,
Сўнгра қоним ила оқди танамга.
Барига чидарман, фақат, эй санам,
Бир кун нур ёпиниб келсанг хонамга.

САБР

Жимжитликка ўхшайди сабр,
Сукунатда турган қоятош.
Кута-кута топса ҳам жабр,
Шукр қиласар бор деб соятош.

Жимжитликка ўхшайди сабр,
Сокинликка ўрганган бардош.
У гүёки тилсиз бир қабр,
Түколмайди күзларидан ёш.

Чидаб-чидаб ҳукмдорига,
Үз қалбига сиға олмайди.
Ваъдабозлиқ тегса орига,
Иродасин йифа олмайди.

Ёрилади шардай сукунат,
Бардошдан ҳам тошлар узилар.
Субутсизлик қилолмай миннат,
Оёқ-қўлсиз ерда чўзилар.

Кута-кута топди-ю, жабр,
Исёнкорга айланди сабр.

КҮНГИЛ БИЛАН СУХБАТ

— Андуұлар санқиіди топмоқ учун жой,
Күпайиб яшаса, топғандек сарой.

Эй күнгил, эшигинг ёпсанг-чи бу дам,
Не керак сен учун бунча ғам-ситам?

— Билмайман, билмайман, дунё ажибдир,
Ҳар нарса түкисдай, йүқдай кам-күстим.
Ёшым улғайибди, вақт ҳам қарибдир,
Вафосиз кетибдир ёшлиқдай дүстим.

— Дунёда ўткинчи ҳар нарса, ахир,
Наҳот, англамадинг, эмас-ку бу сир,
Яйрагил, яйрагил, лаҳзалар қиммат,
Бир бор кулиб қолсанг, шу ҳам ғанимат.

— Ох, қани, қанийди, ҳар кун кулолсам,
Афсуски, арzonmas лутф ила қарам.
Гоҳ дўсту гоҳ рақиб сўзидан лолсан,
Сўнг ойлаб караҳтсан, андуұға қарам.

— Ҳар сўзни чақмагил, ўзингта жабр,
Ўйласанг, бир қадам яқинроқ қабр.
Ҳаёт лаззати ҳам инсон учундир,
Үндан узоқлашсанг, умр юпундир.

— Маъқулдир сўзларинг, аммо мен ожиз,
Ўзимни англамай қолдим-ку ўзим.
Мўралаб туради андуҳ, деган қиз,
Шодлікдай янграса, қанийди, сўзим.

Ох, дунё, тўзим бер, ғамнокка тўзим!

* * *

Улуғ шоирларга күз тутдим бисёр,
Оддийлик, буюклик уларда аён.
Улар фикратига замон келған тор,
Қалбіда келажак акси намоён.

Оддийлиқда бордир буюк ҳақиқат,
Заҳматкаш инсонга улуғлар эшdir.
Шу сабаб илмли донолар фақат
Бутун бир миллатта раҳнамо, хешdir.

ХАЛҚИНГ ФАРЗАНДИ БҮЛ

Халқинг фарзанди бүл, оддий бүл, майли,
Кулфат күрганида чеккил изтироб.
Кимлигинг күзгуда шу халқ туфайли
Үзингта күринур нұқсонасиз ҳар тоб.

Элинг қувонганда севиниб мудом,
Шодлигин оламга шамолдай тарат.
Адоват уйига зидма-зид тамом
Садоқат күшкларин эларо ярат.

Агар қайғуни ҳам, қувонишни ҳам —
Билмасанг, унда сен ҳеч кимсан асли.
Умрингда күринмас излар бүлар жам,
Эрта бошланади хазонлик фаслинг.

БИР ШИРИН СҮЗ АЙТСАМ...

Бир ширин сүз айтсам — сирли сүз,
Хеч кимса айтмаган нурли сүз.
Күзёшсиз умрбод қувониб,
Бўлсангиз ҳаётим ичра кўз.

Нурўпар эзгулик мен сочсам,
Хаёлга келмаган эзгулик.
Умрбод бошингиз бўлмай хам,
Инсондай яшадим дегулик.

Бу кўнглим хоҳиши беҳисоб
Сиз учун, эй, умрим кўзлари!
Мехрингиз бўлди-ю, бир гирдоб,
Чирмашди ҳуснингиз сўзлари.

Гирдобдан чиқмоқ ҳам қийиндир,
Кунаро тортади домига.
Наҳотки, айрилиқ, бу не сир,
Ёзилган муҳаббат жомига?

Эҳ, ана, висол ҳам кўринди,
Капалак сингари пойингиз.
Сел — хаёл лойқаси боз тинди,
Нигоҳим ўғирлар ройингиз.

Бир ширин сүз айтсам — сирли сүз,
Хеч кимса айтмаган нурли сүз.
Күзёшсиз умрбод қувониб,
Бўлсангиз ҳаётим ичра кўз.

МУҲАББАТ

Сўзларга жозиба багишлаб доим,
Сенга юрагимни этай равона.
Сўзлар ишқли дилни очсин мулойим,
Сен нигоҳ ташлагил хушнуд, қувона.

Кўнглинг талпинса-ю, ширин хаёллар
Ақлу идрок ила берса ижозат,
Сенга устоз бўлган шўхчан аёллар
Жуфт юрак оҳангин этсалар иззат.

Нозли табассумдай нафис муҳаббат
Умримиз уйларин безайди албат.

* * *

Ҳали мен бундаман, сен эса унда,
Умр шамлари ҳам қисқаар кунда.
Кўнгилни яйратур умид еллари,
Хаёллар шамолдай учар сарсари.
Келажак нурлари — субҳидам офтоб,
Севгини ёритур — қайсики камёб.
Илиқ туйгулар-ла ёришиб кўнгил,
Шафқатсиз хаёллар синади чил-чил.
Бутун вужудим-ла меҳрингга тўлиб,
Мен сенинг қошингга бораман кулиб.

СЕВГИ

Гоҳ севиб қоламиз, сезмайди қызлар,
Севганин ёди-ла юzlари ёруг.

Севилиб қоламиз, сезмаймиз бизлар,
Бир жонон ишқи-ла қалбимиз түлүг.

Севганда севмаса, аччиқ кек билан
Қызларнинг күнглини хира қилмаймиз.
Севилиб севмасак, кечириңг, қызлар,
Балки, ишқ нимадир — ҳали билмайсиз.

КҮЗЛАРИНГ СЕХРЛАР...

Күзларинг сеҳрлар иболи қараб,
Мехрим кўли турар сочингни тараб.
Киприклар кўзингта қалқондир, сара,
Қоматинг — баҳордай ажиб манзара.
Юрагинг — мусаввир, қўлида ранглар,
Нигоҳинг — бастакор, янграр оҳанглар.
Сўзлассанг, сайроқи күшлар писанда,
Каломинг сержило, қувватдир танда.
Қадамлар ташласанг күнглимга аста,
Ошиқлар дунёси ёнар ҳавасда.

СЕВГИ МАДХИЯСИ

Умр йўлдошим Муҳаббатойга

Озор берса агар бу дунё,
Йўлларимиз бўлса зим-зиё,
Ишқ чироги бўлиб муҳайё,
Сендай менга бўлолмас ҳеч ким,
Мендай сенга бўлолмас ҳеч ким.

Дўстлар қўлин чўзса душманга,
Нокас боқса гулзор-чаманга,
Ҳар не келса сенга ё манга,
Сендай менга бўлолмас ҳеч ким,
Мендай сенга бўлолмас ҳеч ким.

Ҳаёт — гўё рангин камалак,
Ҳамма ҳайрон: ўйнатар фалак,
Сен ўзингсан беғубор малак,
Сендай менга бўлолмас ҳеч ким,
Мендай сенга бўлолмас ҳеч ким.

Саодатдир хуш нигоҳларинг,
Софинг пур жом кўнгил оҳларинг,
Содик чашми симсиёҳларинг,
Сендай менга бўлолмас ҳеч ким,
Мендай сенга бўлолмас ҳеч ким.

Тоҳир кўнглин айлама зор-зор,
Севгинг — кўнглим қасрига мезмор,
Ҳаётимиз бўлсин ифтихор,
Сендай менга бўлолмас ҳеч ким,
Мендай сенга бўлолмас ҳеч ким.

СИЗНИ СЕВМОҚ...

Сизни күрмоқ — ноёб саодат,
Сизни севмоқ — нозик бир толе,
Сизсиз йўқдир чидам ва тоқат,
Бундай ишққа ким бўлар моне?

Сокин кезган ул хаёлингиз
Чеҳрангизда гулдай намоён.
Сизга муштоқ ҳур иқболингиз
Зор кўзимдан ҳар дафъа аён.

Нафис лаблар ёнида ҳамроҳ
Ишқ тёбраттан нозли табассум.
Бу севигига йўл берган Оллоҳ,
Олов ҳислар орттирап ҳар зум.

Сочингиз ҳам тим қаро, хушрўй,
Нигоҳимни асир этадир.
Хаёлимда бошланади тўй,
Сизни ишққа олиб кетадир.

Нозик, илиқ кафту бармоқлар
Қўлларимда чўғланса бир дам,
Бўлиб гўё ўткир қармоқлар,
Юрагимни илдирап бардам.

Сизни күрмоқ — ноёб саодат,
Сизни севмоқ — нозик бир толе.
Сизсиз йўқдир чидам ва тоқат,
Бундай ишққа ким бўлар моне?

КҮКЛАМ

Қиши ҳам охирлади, күклам күз очар,
Баҳор завқларидан қушлар сўз очар.
Ҳар куни ўн марта Қуёш юз очар,
Эҳ, Қуёш, нозланмай сочсанг-чи зиё!

Баҳорий осмонга кўнгил интизор,
Ранглари ҳар дилни ёритар минг бор,
Тиниқки, нур сочар чўққидаги қор,
Эҳ, Қуёш, кўклам деб сочсанг-чи зиё!

Ранг-баранг гулларга ошиқ бунча кўп,
Гуллардай ҳар рангда одамлар тўп-тўп,
Кел, кўнгил, баҳорнинг юзларидан ўп,
Эҳ, Қуёш, завқлардан сочсанг-чи зиё!

ОЛЧАЗОР

Оппоқ ҳарир либос олча қоматин
Дилкушо айлади, бунча дилафрўз!
Никоҳ либос кийган келин дастхатин
Кўрган куёв каби ҳамма шириңсўз.

Баҳор қизларидир олча дарахтлар,
Нафис бир фаслнинг нозик гўзали.
Ундан кўркли эмас шоҳона тахтлар,
Олчазор — баҳорнинг тиник ғазали.

ЮРАГИМГА АЙТГАНЛАРИМ

Ҳориб кетдим жангу жадалдан,
Ҳаёт, сенинг сўқмоқларингда.
Болалигим — ўшал маҳалдан
Умрим ташвиш чақмоқларида.

Оҳ, эзилдинг, юрагим, нечун
Ҳақсизликлар мўлжали бўлиб?
Хотиржамдай йўқ овоз, бир ун,
Боққил ғамсиз атрофга кулиб.

На куласан, на-да йиғлайсан,
Йўлларингда сохта амалдор.
Эл-юрт дея бағринг тиғлайсан,
Элинг — сен-чун серунум баҳор.

Амал курси вақтинча, ахир,
Буни билмас очкўз эгаси.
Ҳаётимиз шулардан тахир,
Улар элнинг кераксиз хаси.

Ҳар бир йўлда битта мансабдор,
Ё адашса бир ҳоким тўра,
Сўнгра улар бўлишар қатор,
Очилади нафс деган ўра.

Оддий инсон кулфатларидан
Улар ҳиссиз, чекмас азият.
Элу юртнинг нафратларидан
Рўбарўдир мунгли вазият.

Сен севасан оддийликни хўп,
Манманликлар зери пойингда,
Камтар элдан дўстларинг-ку кўп,
Йўғрилмади баҳтинг лойингда.

Балки баҳтдир эл-юрт ишончи,
Ато этган шоҳона ҳурмат.
Чеҳрадаги баҳтдир қувончи,
Исминг ила қўшилган ҳиммат?

Саодатинг — оддий фуқаро,
Хорсанг ҳамки, дегайсан элим.
Дил, ўртана, юрту эларо
Номинг бордир: Тоҳир муаллим.

* * *

Забардастсан, кибр отини
Қамчилайсан кўкка талпиниб.
Шаклинг — одам, инсон зотини
Камситасан чашмбанд ёпиниб.

Чиранмагил, кимсасиз осмон
Ўйдови йўқ булутларга уй.
Сен булутсан, ёмғирсиз, бежон,
Кимлигингни бир дамгина туй.

Эҳтимолки, шунда минг ўйлаб,
Бўлажаксан сезгир ва ҳушёр.
Кунларингнинг қирғоги бўйлаб
Балки сўнгра яйрайди баҳор.

МЕҲРБАХШ БЎЛ

Кимгадир отдинг, эҳ, тиканли бир сўз,
Юраги зирқираб боқди ёшли кўз.
Умрининг лаззати учди ҳаётдан,
Ажралди ҳақ деган учқур қанотдан.
Оҳ, кимсан, билмайман, қандайин одам,
Бир дам меҳрли бўл, меҳрга хотам.

Қайдадир кўз юмди мушфиқ бир она,
Гўдаклар чирқирап, уйи — ғамхона.
Дўзахдай сўзлардан озурда тани,
Бузилиб қолганди умр — ватани.

Билмайман, кимдирсан, ташигувчи ғам,
Бир дам меҳрбахш бўл, меҳрга ҳотам.

Гоҳ ота фарзанди қадрин билмайди,
Ёш билиб, сўкиниб кўзга илмайди.
Ғуборли кунларда бўлиб беғубор,
Болалар яшайди ҳақиқатга зор.
Эй, ота, билмайман, дилингда не жам,
Дилдан меҳрли бўл, меҳрга ҳотам.

Бўлса-да отаю онага фарзанд,
Йигит ўз бурчини унутар баъзан.
Юқ бўлиб уларнинг азиз бошига,
Айланур тоғларнинг оғир тошига.
Ҳей, йигит, қилмишинг ўстирмоқда ғам,
Ор ила ён ва бўл меҳрга ҳотам.

Кўнглимга кесагу тош отди кимдир,
Ярадор юрагим асабий, жимдир.
Фойдам текканида, қуюқ хушомад,
Ўзин ўнгарганда — қилди маломат.
Шайхзода сингари, рақибимга ҳам
Меҳрли бўлолдим, меҳрга ҳотам.

Аччиқ сўз, таъналар, айтингиз, нега?
Одамсиз, тилларга бўлингиз эга.
Ўз қадрин билмаса бугун одамзод,
Муҳташам дунёни этгуси барбод.
Қил кўприк устида юрарсиз бардам,
Одамлар, меҳрга бўлсангиз ҳотам!

ДОНОЛАРНИНГ ИЛМИ ҚАНОТДА...

Устоз олим Ботирхон Валихўжаевга

Оддийликда улуворлик бор,
Камтарликда ниҳон буюклик.
Манманликдан бирор амалдор
Топдимикан оддий суюклик?

Иzzат топди сиздан фуқаро,
Кафтиңгизда — ҳурмати инсон.
Обрүйингиз кезар халқ аро,
Эътибор ҳам — бир шамси жаҳон.

Бир ҳақиқат бордир ҳаётда:
Бойлик тугар, мансаб ўтади,
Доноларнинг илми — қанотда,
Минг йиллардан ошиб кетади.

* * *

Шириңсұхан, дейдилар сени,
Ҳар күнгилни эта олсанг шод.
Заҳарсұхан, дейдилар сени,
Бор қувончни айласанг барбод.

Шириңсүзлик онадир, она,
Фам доғларин дилдан аритар.
Заҳарсүзлик канадир, кана,
Қон симириб бизни қаритар.

Хушгап бўлсанг, нозик сўзларинг
Кишилар-чун ширин куй бўлар.
Қалбинг эса кўклам-баҳордай
Дил тортгувчи баҳтли уй бўлар.

ОДАМЛАР

Англамоқ истадим мен сизни,
Бир қадам күринди дилингиз.
Қай томон юборар, оҳ, бизни
Ўз дилин англамас тилингиз?

Одамлар, дунёни қаричлаб
Үлчашга етмайди умрингиз.
Меҳрни елкага опичлаб,
Кўнглимга келарми нурингиз.

Мен ҳамма, ҳаммага кўнглимни
Эзгулик тўлдириб қарайман.
Ўзим зор бўлсам-да, меҳримни
Сув каби дилларга тарайман.

Йифингиз кўнглимга ларзадир,
Томирда қонларим йифлагай.
Номимдай хаёлим тозадир,
Мен учун лоқайдлик чин ўгай.

Кувончлар ўпса-ку юзингиз,
Шодликдан осмонлар бир қарич,
Мўл бўлсин нонингиз, тузингиз,
Тўкинлик олсин-а юз ўпич.

Англамоқ истадим мен сизни,
Бир қадам кўринар дилингиз,
Толега чўмилтсин, о, бизни,
Ўз дилин англаса тилингиз.

ШОИРЛАРГА

Дардли шеърларини ўқиб...

Сиз поксиз беҳиштдай, шеърингиз — гувоҳ,
Мисралар аскардай сиз учун паноҳ,
Шириң умр билан қўлласин Оллоҳ,
Сизга инонмаслик — узрсиз гуноҳ.

Шириң сухансиз-у, шеъри осмонсиз,
Назм юрагида гўёки жонсиз,
Дунё нағмасидан баъзан ҳайронсиз,
Сизга инонмаслик — узрсиз гуноҳ.

Ёмонлар қадамда учрайди, э воҳ,
Сомонлар қадамда учрайди, э воҳ,
Оғулар қадамда сачрайди, э воҳ,
Сизга инонмаслик — узрсиз гуноҳ.

Лол қолсин юлдузлар аёл ёнида,
Лол қолсин кундузлар аёл ёнида,
Лол қолсин денгизлар аёл ёнида,
Сизга инонмаслик — узрсиз гуноҳ.

Сиз поксиз беҳиштдай, шеърингиз — гувоҳ,
Мисралар аскардай сиз ўчун паноҳ,
Шириң умр билан қўлласин Оллоҳ,
Сизга инонмаслик — узрсиз гуноҳ.

* * *

Куч-куват кетади белу билакдан,
Шижаат кетади дилда тилақдан,
Совуқлик жой олар бир кун юракдан,
Ўн етти ёшлигинг — биллур бир дамлик.
Бу чирой бир дамлик, умр бир дамлик.

Садафдай тишлиар ҳам тушар бирма-бир,
Хувиллаб қолар-ку девори қаср,
Бошларни тарқ этар сочлар ҳам охир,
Дилларни яйратган суур бир дамлик,
Ёшликни яшнатган фуур бир дамлик.

Ҳаттоки қошлар ҳам оқарап бир кун,
Юзлар бўлар эски кийимдай юпун,
Кувончлар йиғлашар бўлишиб дилхун,
Оlamга ойина — кўзнур бир дамлик,
Ҳар ойинг, ҳар йилинг бўлур бир дамлик.

Барини унугтил, фарзанд умрингдир,
Кўзлари порласа, кўзда нурингдир,
Эзгулик боғида дил фуурингдир,
Бир дамлик эмасдир чирой ва умринг,
Күёшдай давомли ҳатто кўз нуринг.

ДИЛТОПАР ҚАЛАМ

Фамларим кам эмас, андуҳлар бир кун
Нозли орзуларни этишар хароб.
Табассум ва қувонч боқишиб дилхун,
Ўрнин эгаллайди мунгли изтироб.

Хаста овозларим ёқмас ўзимга,
Дунё тўда-тўда ғамдай кўринар.
Юрак куч бағишлар сокин созимга,
Созим баҳт улашга дилдан уринар.

Таскин топар шунда озурда руҳим,
Андуҳлар қуёндай қочар панага.
Ширин туйғуларга жой берар оҳим,
Орзулар чопқиллар ҳур тантанага.
Хайрият, бор экан дилтопар қалам,
Секин кетиб қолар озорбахш алам.

САОДАТ ҚАЙТАР

Фамнинг сувларига қорилди сочим,
Бардош бера олмай тарк этди бошни.
Талатўп ғавғога тўла бу очун,
Баъзан тирқиратди дилдаги ёшни.

Бахт гўё ёввойи кабутар мисол
Хуркиб учди йироқ, мен борган сайин.
Бахт учун изладим ҳақиқий тимсол,
Унинг шамоллари эсганда майин.

Чехралар кўринди бахтга кўзгудай,
Улар шодликлари сервиқор тоғдай.
Чехралар кўринди олам бузгудай,
Сўлиб бораётган қаровсиз боғдай.

Юрак бардошлидир, шукронা айтар
Фамли-ғамсиз ўтган барча онларга.
Дунё ўзгаришда, саодат қайтар,
Шодликлар узатар ёниқ жонларга.

ТАҚДИР

Умрим манглайига ёзилган тақдир,
Айт менга, қандайин тилакларинг бор?
Ғаним ҳам номимни этолмас таҳқир,
Қай орзу ҳаётда бўлар устувор?

Умрим манглайига ёзилган қисмат,
Изларим, инсонга сочавер поклик.
Ҳар дилда ниш отса ҳалоллик, ҳиммат,
Улардан таралса нурдайин оқлик.

Мен бугун тақдирнинг мавхум изидан
Йиллар этагини ушлаб кетаман.
Ёруғлик кутаман тақдир қизидан,
Келгуси авлодга поклик элтаман.

* * *

Мен учмадим обрў, шон томон,
Ҳеч маҳлиё этмади мансаб.
Титраб-титраб толганда асаб,
Тикилганим — тип-тиниқ осмон.

Обрў юрди изларим босиб,
Мансаб чопди бўлиб маҳлиё.
Қайда бўлсам, қочарди риё,
Ўзлигини дорларга осиб.

Муҳаббатин излади мендан
Кулиб-кулиб беҳад чиройлар.
Мени кутиб ишқий саройлар,
Ишқ ҳақида сўзлади мендан.

Кимларгадир бериб обрў, шон,
Дил изларди сени, муҳаббат.
Меҳнат сари топдим-у^{*} рағбат,
Ишқ уйида бўлмадим меҳмон.

Ва, ниҳоят, инжудай топдим,
Сўрамасдан келди муҳаббат.
Гўё келди ажиб бир санъат,
Кетмасин деб йўлларин ёпдим.

Мен кўкларга учгим келди, эй!
Бургутдаги қанот меники,
Илҳом минган шу от меники,
Мен дунёни қучгим келди, эй!

СУҲБАТ

— Эй замин, бағрингда қанча нобакор,
Эзғилаб яшайди тупроғу тошинг.
Яхшилар ризқига шериклар қатор,
Қай тарзда чидарсан, қайдан бардошинг?

— Ўзим каби сабрим оғирдир ҳар дам,
Күз ёшу қонлардан бўлдим хокисор.
Чидам оғушида қадамим бардам,
Мен фақат инсоний меҳрларга зор.

— Эй, баҳор, сағрингда қанча нобакор,
Завқ олар сендан-у, излари пайхон.
Бир гиёҳ эколмас, узгани — қатор,
Улардан чаманлар бўлишар сайхон.

— Оҳ, нетай, чидарман, аслида ҳаёт
Ёшлиги мендандир, менда ҳусни бор.
Ҳаётдан ҳар лаҳза топарман нажот,
Бағримда яшаса битта бегубор.

— Эй, кўнгил, не учун замину баҳор
Бағрида хушчақчақ ўтмагай умринг?
Сенда йўқ бир нуқта бўлгувчи ғубор,
Не сабаб кўз олмас толе-суруринг?

— Бардошда ҳамроҳим замину баҳор,
Улардай яримта излаган баҳтим,
Токи бор теграмда ғарип ва ночор,
Баҳт эмас, бўлса гар тож ила тахтим.

ХУШОМАД ВА ХУШСҮЗЛИК

Амалдор бор жойда хушомад учар,
Хушсүзлик қолади уялиб, ғариб.
Хушомад амалдор қалбига күчар,
Ҳақиқат туради юзи оқариб.

Хушомад серуруг қумурсқа мисол,
Бир кунда болалаб күптарни эгар.
Сўнг жадал бўлади арzonроқ тимсол,
Ишончнинг дилига ёлғонни экар.

Олқишилар ёғилар хушомад учун,
Фурурли эгаси ёйдай букилар.
Хушомад айласанг хуш омад учун,
Мукофот пойингга гулдай тўкилар.

Рози бўл феълингдан, эй кўнгил, бу дам,
Тамагир дўпписин киймадинг бир бор.
Хушсүзлик йўлингда бўлолди ҳамдам,
Хушомад қадрингга солмади губор.

СЕНИ АЛДАСА ГАР...

Сени алдаса гар қон-қариндошинг,
Дўстинг фириб берса, оқса кўз ёшинг,
Алдовлар ичида қолса бардошинг,
Бундан ёмони йўқ, севгили ёrim.

Садоқатталабга номус-ор бўлсанг,
Кунлари кузларга бир баҳор бўлсанг,
Ўзинг эзгуликка зору зор бўлсанг,
Бундан ёмони йўқ, эй гул рухсорим.

Дил меҳрин беришни муддао қилдим,
Сочларим қаросин мен адо қилдим,
Садоқат қайда деб сүнг садо қилдим,
Бундан ёмони йўқ, менинг баҳорим.

Яхши-ёмон кун-чун Оллоҳга шукр,
Жонлар омон кун-чун Оллоҳга шукр,
Гар айтмасанг бу кун Оллоҳга шукр,
Бундан ёмони йўқ, дўст ила ёрим.

* * *

Кўзларимда уйқу юки,
Кипригимда ўпичи.
Таслим қилмоқ истар мени,
Қоп-қоронғи, оҳ, ичи.

Мен роҳатман, дея менга
Фалсафасин уқтирап.
Йўқ, десам гар, ибо билан
Шабадасин уфурар.

Талашамиз биз, иккимиз,
Сенинг учун, эй ҳаёт,
Гоҳ ғолибман, гоҳ у енгар,
Бетин кураш умрбод.

ДИМОГДОРЛИК НЕГА БУНЧА, ҲЕЙ?

Мансаб кетиб қуларсан бир кун,
Сувсиз қолиб сўларсан бир кун,
Умр учиб тўларсан бир кун,
Димоғдорлик нега бунча, ҳей?

Эзгуликни этмадинг тортиқ,
Ё бўлдингми савобдан ортиқ?
Ниҳол ўсмас ердайин қаттиқ,
Димоғдорлик нега бунча, ҳей?

Тил учида ширинаханлик,
Хизмат жойинг гўёки хонлик,
Билмайсанки, у ҳам бир онлик,
Димоғдорлик нега бунча, ҳей?

Ранжимади қорнинг сира ҳам,
Зиёфатлар ҳар куни ҳамдам,
Лек оёғинг туролмас бардам,
Димоғдорлик нега бунча, ҳей?

Сен Тоҳирни кўзга илмадинг,
Ҳақни деса, қадам жилмадинг,
Бир савобни наҳот билмадинг,
Димоғдорлик нега бунча, ҳей?

ОЙКЕЛИНГА

Дод десанг ҳам, ойкелин,
Қайнонангга чидарсан.
Қайтариб ғамлар селин,
Равон йўлдан кетарсан.

Балки инсоф сувида
Чўмилади қайнонанг.
Сўз айтмайин беҳуда,
Ўғли бўлар дилхонанг.

Мўъжаз ватан — оила,
Асрагил кўрмай завол.
Муштоқ қўз ёринг ила
Муштарак топгил камол.

Етимлар бунча ҳам кўп,
Қайда ота-онаси?
Фарзандинг юзларин ўп,
У умринг дурдонаси.

Дод десанг ҳам, ойкелин,
Қайнонангга чидарсан.
Қайтариб ғамлар селин,
Равон йўлдан кетарсан.

ИЛТИЖО

Боқдим, дунё, улкан бағрингга,
Қонга тұла тарих майдони.
Енаётир не-не юртингда
Эзгуликнинг нурдай виждони.
Хеч кимсага қилмай таассуб,
Бир тилак бор дилда, худойим:
Яхшиларнинг яхши кишига
Хужумидан асрагил доим.

Ҳаёт йўли — чигал қалава,
Довонларда тўсиқлар кўпдир.
Фанимларинг қўяр пистирма,
Отганлари ўқми ё чўпдир.
Улар — фаним, кори — касофат,
Аммо ўтингч дилда, худойим:
Яхшиларнинг яхши кишига
Хужумидан асрагил доим.

Ҳасад фикри икки яхшини
Гоҳ совуққон ёвдайин этар.
Сўнгра ўзи калтакесакдай
Бир кавакка йўқ бўлиб кетар.
Эзгуликка сочилса тупроқ,
Дил илтижо қилас, худойим:
Яхшиларнинг яхши кишига
Хужумидан асрагил доим.

Кўпни кўрган кўнгил хотиржам,
Чидамларим дилимда қотди.
Қай гўшадан баъзан яхшилар,
Баъзан рақиб ёй ўқин отди.
Яхшилардан сира йўқ гинам,
Янглишгандир улар, худойим.
Яхшиларнинг яхши кишига
Хужумидан асрагил доим.

* * *

Кўнглимда — фам руҳи, севинч бегона,
Наҳотки қувончлар — ўгай бир сингил?
Маҳзунлик хаёлни айлайди хона,
Коронги гўшадай фамзада кўнгил.

Улуғбек кўринар, фамгин нигоҳи,
Ноқобил фарзанддан куйган улуғ зот.
Дилида башарнинг минг битта оҳи,
Шодликдай очилиб боқарми ҳаёт?

Мен кимни айтайн, қай бир буюк зот
Андуҳсиз шодликнинг сувларин ичган?
Кимга фалак берди ҳоримас қанот,
Қай инсон ўлимнинг ботқофин кечган?

Мен-ку, эй, бир оддий Оллоҳ бандаси,
Оҳ урсам, овозим бўлмайди зоҳир.
Ситамга енгилур руҳ арзандаси,
Мен голиб юрарман, борлиғим — Тоҳир.

* * *

Мен кечирдим:
Гина-кудуратни
Хаёлимдан олис жўнатдим.
Одамларнинг юракларига
Ишонч номли сим ёғочни ўрнатдим.
Сўнг уладим нур берувчи симларни,
Ҳар бир дилда ёнди чироқлар.
Кечиришни билмаган аллакимларни
Нур симидай куйдирди фироқлар.
Мен кечирдим:
Боболардан қолган одат — бу,
Гап изловчиларга ишим йўқ.

Кечириш, минг йиллардан қолган хат — бу,
Инсонликдан ўзга ташвишим йўқ.
Мен кечирдим сени, эй одам,
Ноҳақ сўздан ранжиб толганда,
Аҳилликнинг нурлари чарақласин деб
Тенгсиз Ватанда!

ЁЛГИЗЛИК ЭЗАДИ АЁЛНИ...

Ёлғизлик эзади аёлни,
Юраги қон тўла зардобдир.
Ҳис этиб бу гуноҳ — уволни,
Ишқ кўзи ёшларга селобдир.

Аёлдир дунёнинг неъмати,
Хор этсанг, хорликка қуларсан.
Аёлдир ҳаётнинг санъати,
У билан санъатдай тўларсан.

Чирмалиб олса гар аламлар,
Аёлдир ғамларга кушанда.
Ёзмайин лол қолса қаламлар,
У илҳом Шеър деган ватанда.

Кунларнинг маҳсули йил мисол,
Аёлинг уйингда яйраса,
Бир умр ҳар онинг — хуш висол,
Аёлда толелар сайраса.

Ёлғизлик эзади аёлни,
Висол бўл — бетиним саодат.
Йўлатсанг танҳолик — уволни,
Йўлингда пайдодир минг офат!

ТҮРТЛИКЛАР

* * *

Ул мүъжиза эмасдир, ул эмасдир фаришта,
Лекин ақл биносин доим қилур саришта.
Ёмонликни дилидан фориғ этиб хазондай,
Ёниб яшар, қилиб кул нопокликни ҳар ишда.

* * *

Фалакнинг гардиши бу: нокаста тегса амал,
Хира юлдуз каби ой гирдини этур қамал.
Кўнгилнинг пок изига кўзи бир душман бўлиб,
Азиз лаҳзанг тиллодан темир қилур ҳар маҳал.

* * *

Бир сўз яхшини ҳам ёмон кўрсатар,
Бир сўз ёмонни ҳам омон кўрсатар.
Фикр қил: бир сўзда тақдир намоён,
Адашсанг, буғдойни сомон кўрсатар.

* * *

Оловранг лабларинг сочади олов,
Мұҳаббат томида софлигинг — ялов.
Ҳусн боғларида йўқдир қиёсинг,
Сен ўзинг шоҳқизсан, бўлса гар танлов.

* * *

Ишқ тахтига чиқса гулруҳинг,
Фарибликда қолар андуҳинг.
Сендай бой йўқ ишқ жаҳонида,
Дўйсту ёрлар узра шукуҳинг.

* * *

Лўли қиз аврайди, хаёл паришон,
Пул учун жаврайди, фол очиб ҳар он.
Подшоҳни дарёдан сувсиз келтирган
Алдов кўз сайрайди: алданар жаҳон.

* * *

Умри бир сония давом этса ҳам,
Дунёга ўн қўллаб ёпишар одам.
Ҳеч кимса айтольмас:— Не керак дунё?
Сен ҳам бир дақиқа бўлолгин Ҳотам!

* * *

Майна бўлса ҳамроҳинг — азоб-уқубат,
Йўлларингни туттгайдир нохуш рутубат.
Дўсту ҳамкор, ёр танла дил даргоҳига,
Булбул бўлса дилҳоҳинг — руҳли муҳаббат.

* * *

Қалдирғоч учгандай лаҳзалар тездир,
Эй хаёл, кўнгилга бу дамни сездир.
Бир гулга боққунча ўтади умр,
Шу дамда, эй фикрим, асрни кездир.

* * *

Ачинма, ачиниш ўтмас бир тифдай,
Үлдирмас, азоблар ҳар кун пайдар-пай.
Фамдош бўл, елкадош, одам бўл бир кун,
Мени асирикка ололмасин май.

* * *

Оллоҳ айламади ҳеч нарсага зор,
Гадодек бўлмадим пулдорларга хор.
Меҳнат — насибамга тиниқ ойина,
Эй кўнгил, тақдирдан бўлғил миннатдор.

* * *

Ҳар қадамда муаммо, қайдан калит топарсан,
Орзунг томи улкандин, нима билан ёпарсан?
Бу ҳаётда билим-ла қондирмасанг дилингни,
Боши гарант мушукдай ҳар томонга чопарсан.

Кўй, бошимни эгдирма,
мендан кулмасин нокас,
Қадр билмас кишининг
боқиши ҳам — бир қафас.
Нетай, феълимга тенг йўқ,
соғ қалбимга — андоза,
Оддийликнинг чўққиси —
мен-чун улуғ бир ҳавас.

* * *

Яхшини ёмонга улаган одам,
Инсонни тупроққа булаган одам.
Шайтон найрангидан ученинг бир кун,
Нарвондан ерпарчин қулаган одам.

* * *

Ваъдабоз ваъдаси ишланар тунда,
Бетиним алдайди ёп-ёруғ кунда,
Шу “касб”дан тўн кийди, алдов — кўрпаси,
Умри ўтиб кетар қора тутунда.

Ишқ әрур диёrimiz



*Гар күнглин обод этиб,
андуҳин ювсам кулиб,
Ишқ уйи ҳам мен учун
хонсарой-кошонадир.*

ОЛДИЛАР

Күзларим ғам доридин,
чехрадин қон олдилар,
Жон бериб ҳар бир сўзим,
ишқдин жон олдилар.
Ул ситамкор дил юзин
бурдиму ҳижрон томон,
Айрилиқ хобгоҳидан
жоним имкон олдилар.
Нури имкон ишқ уйин,
оҳ, мунааввар айлади,
Ёр муҳаббат гўшасин
тинчу омон олдилар.
Энди қайғу пойлари
оғригай, келмас сира,
Эҳ, нигорим ишқдин
дилга посбон олдилар.
Севгидан Тоҳир дили
сув ичиб боғлар мисол,
Дил гулидан гули жон,
гули жонон олдилар.

АЙЛАДИНГИЗ

Кимса айтмас сўзни сиз
бизга раво айладингиз,
Захри мор ўтган бадани
чин даво айладингиз.
Дилда ғамдир, ўй-хаёлда
орзулас ҳам беканот —

Эрди-ю, боз руҳи дилни
шүх наво айладингиз.
Соф ташаккур майсазорин
йўлингизда яшнатай,
Бу дили озурдани
ғамдин сафо айладингиз.
Бул муруват олис эрди,
қай томондан келди, оҳ,
Фам-рутубатли ҳавони
пок ҳаво айладингиз.
Билмагайман: бормикан
оламаро сиздай шариф,
Илтифот биз ёққа-ю,
ўзни қафо айладингиз.
Эй, нигор, ҳар кун севинч
пешвоз чиқиб келсин бу тарз,
Асли, Тоҳир ишқига
чексиз вафо айладингиз.

БИЛМАДИ

Англадим ёр сабрини,
сабримни, эҳ, ёр билмади,
Ишқни ўйин қилдиму,
ё дилни, дилдор билмади.
Ул рақиблар дам-бадам
сўз-игналар отди, ажаб,
Фам тунидан қутқарай деб
роҳ хуммор билмади.
Зилу замбил бори ҳижрон
ишқ қаддин эгди, оҳ,
Чехрасин ойна этиб,
ёр сўнгра такрор билмади.
Тоқатим тоқ бўлди-ю,
кетдим фироқдин мен йироқ,

Эх, кўриб бу ҳолатим,
ул гули гулзор билмади.
Ойталаб инсон эмасмен,
бир нигоҳи бўлса, бас,
Гарчи, Тоҳир, куйганинг,
кўнгил-ку bemor, билмади.

ЧЎКМАСИН, ЖОНО, ХАЁЛИНГ

Чўкмасин, жоно, хаёлинг
ғамнинг тез гирдобида,
Кўзларинг равшан бўлиб хўб
севгининг офтобида.
Андуху ғамдан йироқ шод
бу дилинг яйрат қулиб,
Сендайин хушбахт қўринмас
чин муҳаббат бобида.
Ўртаниб нохуш хаёллар
ётса ошиқ кўнглида,
Минг томон товланса ҳамки,
йўқ ҳаловат хобида.
Ёр менинг гулзор дилимда,
мехри жўш қонимдадир,
Бўлди сархуш борлиғим ҳам
ишқнинг шаробида.
Гарчи Тоҳир ғамдадир боз
васли ёр довонида,
Ожиз эрмас заррача ҳам
ишқ жангин тобида.

ЁР ОЁФИ ЕТМАСА...

Ёр оёфи етмаса,
келмаса ширин калом,
Севгининг қўрғонида
янграмас ҳаргиз салом.
Мехри дил кўзда экан,
ҳам ширин сўзда экан,
Нонда ва тузда экан,
бўлмаса бўлгай тамом.
Ноланинг паноҳида,
ҳар кишининг оҳида
Учрагай гоҳ-гоҳида
ёш тўла бир фамли жом.
Икки дил бир-биридан,
кўнглида бор сиридан,
Гул даласи, қиридан
кетса, оғудир таом.
Тоҳиро, ишқ одами
нурлию нурсиз экан,
Нурсизидан бу ҳаёт
бир кун олар интиқом.

ХУШ НИГОҲИНГ...

Хуш нигоҳинг хоҳишимдир,
йўл йироқ, ёр, нетайин?
Манзили ишқим томон боз
қай йўлингдан кетайин?
Софиниш амри тилурми
ноилож қолганда дил,
Эй фалак, оқ фотиҳа бер,
зор висолга етайн.
Эҳ, висол чорлар кулиб соз,
бер қанотинг, лочиним,

Бу дилим соғинчларини
 фикари тонгга элтайин.
Хажр гори бир азобдир,
 шамчироқ күринмагай,
Чорасиз юргум фироқда,
 дүстүр ёрсиз бетайин.
Сабри дил уммон қадар-ку,
 Тоҳиро, бўлма нигун,
Васли ёр тухфаси кўпдир,
 ул яқин кунлар сайин.

ҚИЗҒАНУР

Айб эмас, менда, атай
 боқмасанг, дил қизғанур,
Қаҳри рашким гоҳ сўниб,
 хуб ширин тил қизғанур.
Айтмагил сўз ўзгага
 хуш табассум кўрсатиб,
Қошларинг ёйин кўриб,
 соф кўнгил қизғанур.
Айлаган умрим чаман,
 атри гул бўл йилма-йил,
Атри ишқим сен учун
 атри ҳосил, қизғанур.
Қанча бўлса меҳри сўз,
 соҷ, мушарраф бўлайин,
Сел бўлиб ёғсин менга,
 айтмай, моҳдил қизғанур.
Тоҳиро, ёрдин-ку сен
 истадинг эзгу жаҳон,
Шу жаҳондай бўлмасанг,
 ишқи кафил қизғанур.

ИШҚ ЭРУР ДИЁРИМИЗ

Ишқ эрур диёримиз
 дил қүёши ёнадир,
Васли ёрдин ишқаро
 ишқ асири қонадир.
Ул баҳорим васлини
 биз учун күрмайраво,
Дилда борин очмайин,
 не сабаб түлғонадир?
Севгисин осмон билиб
 рашқ қилсинг, майлига,
Ёки гулрүй ул санам
 ошиқи бегонадир?
Ашқ тиф — мижжасида,
 майсада шабнам каби,
Дил құли шаббодадай
 артадир, ҳайронадир.
Гар күнглин обод этиб,
 андуҳин ювсам кулиб,
Ишқ уйи ҳам мен учун
 хонсарой кошонадир.
Тоҳиро, хушдил висол —
 оғуши гулхан мисол,
Ёр келса, ишқ анбари
 ўхшагай райҳонадир.

КҮНГЛИМА

Сифмагай, оҳ, сифмагай
 нур тұла осмон күнглима,
Гарчи бордир қувваи
 полвони майдон күнглима.
Мен дилим нозик гулин
 этдим авайлаб парвариш,

Эх, беролмас кимсага,
бўлдим-ку ҳайрон кўнглима.
Изладим, кўп изладим
бир дўсти эт — нохун каби,
Топмадим, оҳ, дўстаро
хушбўйи райҳон кўнглима.
Фикру зикрим: борлиғим
ҳамёри кўнглим деб нисор,
Соясин лек солмасин
чун абри найсон кўнглима.
Мунтазир кўзим ажаб
нурсизланиб боз интизор.
Топталиб бўлди, нетай,
майдони сайхон кўнглима.
Тоҳиро, умринг нигун,
гар топмасанг монанди дил,
Бенажот захмат чекиб,
гул қайда гулдан кўнглима?

АЙТГИЛ...

Айтгил, ўшал кўзларинг
бир бор қиё боқсинлар,
Сокину соф қалбимга
севги-зиё ёқсинлар.
Биллурий сой сувида
окқан нафис ой мисоли
Кўзларим кўзгусида
айлаб ҳаё оқсинлар.
Боққанимда, кўзларимга
тўр тўқийди зиёси,
Нурларидан севгига
гулу гиёҳ тақсинлар.
Келгач инсон олам ичра,
кўрмади мисли кўзинг,
Лол қилиб Тоҳир тилин,
қилмай риё боқсинлар.

НИГОҲЛАРИНГ

Бунча хушдир, дилга аксин
 ўйдирап нигоҳларинг,
Ўйдирап-у, сўнг висолга
 тўйдирап нигоҳларинг.
Тўйдирап деб айтди кўнглим,
 аслида висол бир он,
Дафтари ишқимга имзо
 кўйдирап нигоҳларинг.
Недир имзо, ишқ учун гар
 севги муҳри ёт эса,
Ўз томон чорлаб, иложсиз
 тойдирап нигоҳларинг.
Тойдириб қилса фалаж гар,
 ихтиёр қарошингда,
Сирли кўнглим гавҳарин ҳам
 ёйдирап нигоҳларинг.
Ёйдириб қилса тамошо,
 Тоҳиро, ситамдадир,
Икки дил, икки нигоҳни
 суйдирап нигоҳларинг.

БИЗ ТОМОН ҚАЙДА НИГОҲ?

Ёр ўтар ўсма қўйиб,
 биз томон қайдада нигоҳ?
Ўсма-ла дилни ўйиб,
 биз томон қайдада нигоҳ?
Ёнида дугонаси
 ҳар замон зимдан қарап,
Ёр кетар сочин ёйиб,
 биз томон қайдада нигоҳ?
Ишқ ўтиң мисли шамол
 пуфлагай бу қилмиши,

Бепичноқ бизни сўйиб,
биз томон қайда нигоҳ?
Йўлида қолди кўзим,
оҳ, менга берсин тўзим,
Роҳидан кетса тойиб,
биз томон қайда нигоҳ?
Эҳ, умид бағри ёниб,
асрагай ишқим чунон,
Ёр бўлса бирдан ғойиб,
биз томон қайда нигоҳ?
Тоҳиро, фафлат кўзи
уйқуда бўлгай мудом,
Фафлатдан кетсанг бойиб,
биз томон қайда нигоҳ?

ЮЗ-КЎЗЛАРИ

Осуда эрди дилим,
вайрон қилур юз-кўзлари,
Тип-тиниқ эрди фикрим,
ҳайрон қилур юз-кўзлари.
Олди-ю, кетди ақлим
қош устида ўйнар сочи,
Туйгүйи сокинларим
сайрон қилур юз-кўзлари.
Лахча ўтдай қўллари
кафтимни ёндириди кеча,
Сўнг висолин яшириб,
сарсон қилур юз-кўзлари,
Бул фироқ янтоғида
ишқим тани озурдаҳол,
Бир хабар бермай менга
гирён қилур юз-кўзлари.
Сабри ишқимдан кулиб,
ёр кўнгли ором топдиму?

Күзгуда күрган каби
бежон қилур юз-күзлари.
Охири келди нигор
бу севгидан мамнун бўлиб,
Васлини Тоҳир учун
осон қилур юз-күзлари.

ДИЛДАГИ ТҮЙФУ МИСОЛ...

Дилдаги түйфу мисол
бир келиб тўхтар ҳаволар,
Бормикан дил дардига
ҳар гиёҳ янглиғ даволар?
Дўст вафоси баъзида
март кўкидай ўйнагайдир,
Кўк юзига кўз тутарман,
баҳор айтсин наволар.
Бу башар захматлари
ҳар қадамда бўлса вожиб,
Қай заминдан излагайсан
дили оқ ранг сафолар?
Билмадим оҳ, ҳар одамки,
ишончимдан айирди.
Чўлдаги янтоқ мисолми
улар турган маъволар?
Тоҳиро, ул косагул
барги ҳам йўлдан адашиди,
Гул вафо қилмас экан,
дўстдан куттил жафолар.

ЖОНСҮЗ АЁЛ

Санги төг бүлгум эди,
гар ёқмаса жонсүз аёл,
Күрпаи ғам ёпилур,
сал боқмаса жонсүз аёл.
Волидамдир бирләри,
жону жигарим бирлари,
Не қилардим меҳрини
ёр тақмаса, жонсүз аёл?
Севгилим — тонгим менинг,
хижронда у андуҳлибос,
Қай томон боргум, сеҳринг,
эҳ, оқмаса, жонсүз аёл?
Қай бирингиз дўсти жон,
ҳар сўзингиз қувватга кон,
Шодлигим нурдай узун,
рашк ёқмаса, жонсүз аёл.
Қалбида бўлса агар
инсоф гулин япроқлари,
Мард кетар Тоҳирдайин,
ҳеч боқмаса жонсүз аёл.

БИЛГАНЛАРИНГ

Дўст, уни билдим дема,
ёлғон эрур билганларинг,
Суҳбати бир дам эса,
афғон эрур билганларинг.
Боқ, чиройли олмадир,
билгаймисан: аччиқ, ширин?
Таъмини тотсанг, шу чоқ
аён эрур билганларинг.
Гар сафар этсанг, рафиқ
қўнглин билиб олгунг мудом,

Аччиғу нордонлиги
шу он эрур билганларинг.
Ҳар киши тилсими фор,
ҳамкор эсанг, очгай дилин,
Май ичиб — улфат бўлиб,
армон эрур билганларинг.
Кўйки, ҳар ким ўз ўйин
бор ҳолича қилсин кушод,
Улки той бўлса агар,
дармон эрур билганларинг.
Эзгулик — ҳар бир қадам,
ҳамкори дил бўлди у ҳам,
Келди, Тоҳир, не ситам,
ҳайрон эрур билганларинг.

РАВШАН ЭТУР

Фикринг — олам кенглигидай,
дилни равшан этур,
Бўлса хас кўнглим шу тоб,
монанди гулшан этур.
Ақлу ҳуш бирла камолинг
минг тасаннодадир,
Ул дилу қошу кўзинг
хуснингни манман этур.
Кимса бор, ҳусни зиёда,
лек у безътибор,
Хушсифат, қандинкалом,
ишқимни шўх-шаън этур.
Субҳидам ой нурларин
пинҳом қилур шамсдин,
Сен яширанг роз дилинг,
чашминг-ку чаман этур.
Дўсту душман ичра ҳаргиз
янграмайди ҳуш калом,

Лабларин тикмоқ қийин,
 χар сүзни ким манъ этур?
Ишқимиз Оллоҳ учун,
 күнгил ҳам Оллоҳ учун,
Шул сабаб Тоҳир дилин
 ёр ила пайванд этур.

ЎЛТИРИБСИЗ РЎБАРЎ

Ўлтирибсиз рўбарў
 тушдаги офтобдайин,
Лаҳзалар қандай ширин
 тонг-саҳарги хобдайин.
Ҳар каломда ҳуснингиз,
 ҳар шеъримда нурингиз,
Дил туни сиздан ёруғ
 ул шаби маҳтобдайин.
Туҳфадай сизнинг нигоҳ,
 ранги олтиндай нафис,
Бағрига тортар мени
 ранглари гирдобдайин.
Эҳ, ҳаловат қолмагай,
 бул висол ҳам лаҳзалик,
Мен истарман, ўтса гар
 ёр висоли обдайин?
Айтса Тоҳир кўнглини,
 бир китобдай очилур,
Эҳ, нигор, англармисиз
 ишқдин бир бобдайин?

ГУЛ БЕРАЙМИ ЁКИ ДИЛ?

Гул берайми ёки дил,
гул берарлар кўп эрур,
Севгининг гулзоридан
гул терарлар кўп эрур.
Дилни бердим аввало,
қалб аро ажрат макон,
Гулдайин эттил нигоҳ,
дил тепарлар кўп эрур.
Бўлмасин озурда жон
ҳар рақибнинг дастидан,
Ишқнинг даргоҳида
ишқи шарлар кўп эрур.
Меҳр, дерлар, кўздадир,
асли кўз ҳам алдагай,
Кўзу тилнинг тотидан
дил заарлар кўп эрур.
Бир марота умри жон,
бир марота ишқи кон,
Сўзга учма, дилга уч,
феъли харлар кўп эрур.
Оҳ, ширин сўз не учун
дилда бор-у, тилда йўқ,
Ёрни, Тоҳир, асрагил,
умри жарлар кўп эрур.

ЛИБОС КИЙДИ

Ниҳон этмоқ учун айбин
яхши сўздан либос кийди,
Тили бошқа, дили бошқа
кишилардан мерос кийди.
Ишонтиргай қилиб ваъда,
учиб сўзлар ҳаволарда,

Ваъдалардан тикиб кўйлак,
 ўйин билмас раққос кийди.
Мисоли ул сира айбизиз,
 даҳонларда ўшал ваъда,
Бутун хулку феълин ранглаб,
 яна кўнглини мос кийди.
Тилиб тил-ла сенинг кўнглинг,
 билиб-билмай қилур лол ҳам,
Аламдан сўнг қилиб ислоҳ
 сўзин, ростравга хос кийди.
Тушунмас ул, агар қаддин
 таёқ боғлаб тузатсанг ҳам,
Ўзин таҳлил қилур, кимки
 ният-ўйи ихлос кийди.
Эгиб бошинг, ҳазин, Тоҳир,
 дили саҳролара боқма,
Қачон саҳро, келиб сувлар,
 яшил рангли либос кийди.

АЙЛАНУР

Бу замин ўз ўқи бўйлаб
 бир маромда айланур,
Меҳри инсоннинг шу тахлит
 хуш саломда айланур.
Бир маромда доимо
 сочгил эл-чун нур-зиё,
Эл шарафи сен томон
 ҳар каломда айланур.
Эҳ, қийин чин эътибор,
 излама олтин каби,
Юрту эл таърифида,
 шонли номда айланур.
Бу ҳаёт савдолари
 не йигит бошида ғам,

Яхшилар меҳнатда-ю,
зиқна жомда айланур.
Тушди сенга, Тоҳиро,
чашми абрўдан назар,
Меҳнатинг эл сўзида,
кўнгли ромда айланур.

НАВОИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАСЛАР

* * *

Жоң каби севдиму мен, ул жондин обрў келмади,
Хуш висоли — орзуим, дил зори — дилжў келмади,
Бошларим оғриб чунон, остига парқу келмади,
Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Билмадим ёрим дўлин, ҳар тун висол ҳасрати бор,
Келмасини билдиму, оҳлар чекиб йиғлар дутор,
Кўз тутиб ёр роҳига, дил суҳбати жононга зор,
Лаҳза-лаҳза чиқтиму, чекдим йўлида интизор,
Келди жон оғзимга-ю, ул шўхи бадхў келмади.

Ҳажрининг найзасидин афтодаҳол орзу — қанот,
Кўзларимдин ёғдую дилдан севинч кетгай, наҳот?
Ишқу меҳрим лаҳзаси ёр васлидин топгай нажот,
Оразидек ойдин эрконда гар этти эҳтиёт,
Рўзгорумдек ҳам ўлғонда қоронғу, келмади.

Маҳбубам чеҳрасидек қай гулда бир гулчехра бор?
Софиниб ул чеҳрани ҳайрони дил бўлгай бемор,
Борлигим кўз бўлди-ю, боқдим, кўринмас гул нигор,
Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.

Беҳуда ҳар сорига фикримни елдурманг мени,
Ёрсиз ул гүшага бир лаҳза келтурманг мени,
Бир нафас ором беринг, айбимни билдурманг мени,
Кўзларингдин неча сув келгай деб ўлтурманг мени,
Ким бори қон эрди келган, бу кеча сув келмади.

Келмасин гар айтса ёр, кутмас эдим то субҳидам,
Не учун бир бор келиб, тухфам эмас лутфу карам?
Бор севинчим лаҳзада этса асир тўрдай ситам,
Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам
Йўлфаким, аввал қадам маъшуқа ўтру келмади.

Эҳ, шамол сочмас бу дам ёр сочларин анбар бўйин,
Бу ҳаёт ишқинг учун монанди бир қиммор ўйин,
Тоҳиро, ғамни унут, дил, куйлагил шодлик куйин,
Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнгил уйин,
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади.

* * *

Қайданам кўрдим сени, руҳи яро бўлдим санго,
Ҳур висолинг дардидা андуҳаро бўлдум санго,
Ноумид бўлдиму мен, рўзи қаро бўлдум санго,
Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санго,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санго.

Кўрмасам ол юзларинг, кўнглим кули ғамдир нуқул,
Оҳки, ҳижрон сим каби бўйним эгар, қандай мушкул,
Борлиғим недир, бу дам ўю хаёлим сенга қул,
Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгил,
Ваҳки, кун-кундин батарроқ мубтало бўлдум санго.

Менча ким жони ҳалак, сен бошқаниму сайладинг?
Зор этиб, кўнглим куйин тупроқарому жойладинг?
Учмасин деб мен томон ё күш қанотим бойладинг?

Мен қачон дедим: “Вафо қилғил манго”, зулм айладинг,
Сен қачон дединг: “Фидо бўлғил манго”, бўлдум санго.

Билмадим ўз ҳолатим, аччиқми, қулдунг бу сифат,
Ашқи дил кўзимдадир, ашкимга тўлдунг бу сифат,
Қисматим, роҳ топмайин сен нега ўлдунг бу сифат?
Қай пари пайкарга дерсен телба бўлдунг бу сифат,
Эй пари пайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум санго.

Гар муҳаббат заҳрини тотдингми, унга чора бўл,
Сабр тошинг мўрт эса, лоқайд бир бечора бўл,
Томи ишқинг остида ёки тани юз пора бўл,
Эй кўнгил, тарки насиҳат айладинг, овора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санго.

Ишқаро тил топмайин, қочса, нетай, мендан калом,
Ёр учун дил мағзидин еткармадим нурли салом,
Мен муҳаббат бобида бўлдумми ё нодон-авом?
Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдир мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санго.

Изласам, дил хушлигин ҳеч билмадим муштоқаро,
Боларидай мен учиб ул гули бол янтоқаро,
Оҳки, Тоҳир қолди зор орзулари қашшоқаро,
Фусса чангидин навое топмадим ушшоқаро.
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго.

БОБУР ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Бошима не тушмади, фамнинг садоси қолдиму?!
Гул Ватаннинг бағрида меҳрим гадоси қолдиму?!
Дилга бир келмай туриб ишқим жилоси қолдиму?!
Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму?!
Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси қолдиму?!

Ваҳ, очуннинг ғам ити ҳар гўшада қайради ҳаш, Айланиб бошим чунон, қисматаро андуҳли иш, Хуш этай дерман дилим, валие совуқ монанди қиши, Мени хор этти-ю, қилди муддаийни парвариш, Даҳри дунпарварнинг ўзга муддаоси қолдиму?

Ишқиндин қонмай нигорнинг дам-бадам кўзимда ёш, Ёр кўнгил шиша сига гул ҳуснидин отди-ку тош, Не гуноҳим бор эди, боқмас сира қайрилма қош, Мени ўлтурди жафою жавр бирла ул қуёш, Эмди тиргузмоқ учун меҳри вафоси қолдиму?

Васли ёр олис мудом, келмас кўзимга, эй рафиқ, Кечаси ой йиғлагай ғамли сўзимга, эй рафиқ, Дўсту ёрим тик қаролмас кўз-юзимга, эй рафиқ, Ошиқ ўлгач, кўрдум ўлумни ўзумга, эй рафиқ, Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси қолдиму?

Оҳки, кўнглум дил билур одамни истар, қилма айб, Дилга қувват, сўзлари бардамни истар, қилма айб, Гарчи йўқдир, роҳлари ҳамдамни истар, қилма айб, Эй кўнгил, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб, Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму?

ОГАҲИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Қароши бизни айлар безабон оҳиста-оҳиста, Беором этти гулчехра жонон оҳиста-оҳиста, Мурувват кўрмай ўлди дил сомон оҳиста-оҳиста, Манга зулм айлаб ул қотил аён оҳиста-оҳиста, Чекиб тифини айлар қасди жон оҳиста-оҳиста.

Жамолин дилкушо кўргач, кўзим ҳам сочди зиёлар, Оёғин остида бемор ўлубон нозли гиёҳлар, Ситам бағрида қолди, э воҳ, булбулигўёлар,

Жафоси зўридин икки кўзимдин оқти дарёлар,
Ки қолғай остида онинг жаҳон оҳиста-оҳиста.

Кўзим айтур, ки мен энди вафосизга назар қилмай,
Юзи агар ёғду сочар, ғариб руҳлар асар қилмай,
Яна кўнгил тилар они, рақиб сори қамар қилмай,
Улусга айлаган зулмин кўриб ондин ҳазар қилмай,
Келиб чекдим жафосин мен ёмон оҳиста-оҳиста.

Ниҳон этмас висолини, агар унда раҳм бўлса,
Кўриб ҳолим этур таҳлил, бу дам ранги каҳим бўлса,
Замини фам, ажаб, қолур, санамгул ҳамраҳим бўлса,
Бўлур ҳажрида зиндан, гар менинг манзилгаҳим бўлса,
Гулистон балки гулзори жунон оҳиста-оҳиста.

Келадир қон дилим ичра бу ҳижрони асаб дамдин,
Руҳим ёнур олов ичра бу қисматгоҳи оламдин,
Дилим осмони тун бўлди чекиб бисёр ноламдин,
Тўла пуржом тут лутф айлаб, эй соқийки, бу фамдин,
Кутулғойман ичиб ман нотавон оҳиста-оҳиста.

Муҳаббат йўли қоронғу, билибон бос йўлунгни,
Кимики дарди мавхумдир, жавобсиз чўзма қўлунгни,
Нигоҳинг ҳар томон ташлаб танигин соғу сўлунгни,
Вафо йўқ даҳр боғининг гулида, берма кўнглунгни,
Бугун тонгла кетар, эй боғон, оҳиста-оҳиста.

Иложсиз қолди Тоҳир ҳам дили вайрон туни ичра,
Кўриб офат ситам тортар кўзи жайрон туни ичра,
Беҳуш қолди мадорсиз ул захи зиндан туни ичра,
Эмас гардунда раъд овозиким ҳижрон туни ичра,
Эрур ул Огаҳий чеккан фифон оҳиста-оҳиста.

ОГАХИЙ

Шоирнинг 190 йиллигига

Назмаро одил камол, хўб нуктадондир Огаҳий,
Сўзлари – рангин либос, назми равондир Огаҳий.
Шуаро шеър айтса гар, айтолмагай ондин баланд,
Илми ашъор боғида ҳосил – жаҳондир Огаҳий.
Форс-арабча хушкалом, достону ашъор ўтириб,
Эли равнақ бағрида бир таржимондир Огаҳий.
Олимни даврон бўлиб, ёзди тарихнинг ҳикматин,
Чехраи мозий учун кўзгу, амондир Огаҳий.
Хўбки, Тоҳир, соғ дилинг даргоҳи шеър деб бир ҳавас,
Назми фикринг кўкида шеърий замондир Огаҳий.

ТАРЖИМАЛАР

(Ҳофиз Шерозийдан)

* * *

Дилбари жононим менинг

олди дилу жоним менинг,

Олди дилу жоним менинг

дилбари жононим менинг.

Тиргизур бу жоним менинг

ул лабинг, жононим менинг,

Ул лабинг, жононим менинг

тиргизур бу жоним менинг.

Равзай ризвоним менинг

дўст йўлин тупроғидир,

Дўст йўлин тупроғидир

равзай ризвоним менинг.

Бу дили ҳайроним менинг –

мафтуну шайдоинг сенинг,

Мафтуну шайдоинг сенинг —
бу дили ҳайроним менинг.
Юсуфи Канъоним менинг —
сарҳади гулчеҳранг сенинг,
Сарҳади гулчеҳранг сенинг —
Юсуфи Канъоним менинг.
Сарви гулистоним менинг —
қомати дилжўйинг сенинг,
Қомати дилжўйинг сенинг —
сарви гулистоним менинг.
Ҳофизи хушхоним менинг —
оҳларим куйловчи камол,
Оҳларим куйловчи камол —
Ҳофизи хушхоним менинг.

* * *

Кўргилик недир, ки даври камар кўрамен,
Ҳамма оғоқ тўла фитна ва шар кўрамен.
Ҳар киши хуш кун тилар давру айёмдин,
Мушкулим шудир, ки ҳар кун батар кўрамен.
Аблаҳ учун қанду гулоб эса шарбати,
Озиги доно: ҳаёт — қон-жигар кўрамен.
Бўлса мажруҳ чопқир отлар эгар остида,
Тавқи заррин барча бўйни ул хар кўрамен.
Ҳамма қизлар онаси-ла нифоқдадир, оҳ,
Барча ўғил баднияти падар кўрамен.
Ҳеч биродар раҳм қилмас биродарига,
Ўғлига шафқатсиз ота, агар кўрамен.
Панди Ҳофиз тингла, хожа, ва қил яхшилик,
Бу насиҳат хуш, дурру гуҳар кўрамен.

(Хилолийдан)

★ ★ ★

★ ★ ★

Бир кўриб тушди менинг ҳам
бошима савдоларинг,
Яхшироқ эрур, кейин мен
бошга шул савдо этай.
Яхшилар, бехуд бўлиб
эгсам агар пойига бош,
Сўнгра қай аҳволда бошим
қайтадан боло этай.
Сен-ку айтарсан, адашган
бу дилингни изла хўб,
Мен адашганман, ахир,
қайдан уни пайдо этай?
Мен, ажаб, кимман, ғуломинг
деб санаарман ўзни ҳам,
Бир итинг бўлиб, улар
ичра ўзимни жо этай.
Ошиқи мастман, Ҳилолий,
қайдадир олифталар,
То дилу жоним фидои
соқийи зебо этай.

МУНДАРИЖА

Мәхр дүнёси

“Шеърият...”	3
Садоқат қүшиги	4
“Хоким бўлсам...”	5
Умид	5
Умрим олтинлари	6
“Сабр боғларида...”	6
“Умр — бир иморат...”	7
“Келажак — бир жумбок...”	7
“Ёлғизлик...”	7
Сабр	8
Кўнгил билан суҳбат	9
“Улуғ шоирларга...”	10
Халқинг фарзанди бўл	10
Бир ширин сўз айтсан	11
Муҳаббат	12
“Ҳали мен бундаман...”	12
Севги	13
Кўзларинг сеҳрлар	13
Севги мадҳияси	14
Сизни севмоқ	15
Кўклам	16
Олчазор	16
Юрагимга айтганиларим	16
“Забардастсан...”	18
Мехрабахш бўл	18
Доноларнинг илми қанотда	20
“Шириңсухан, дейдилар...”	20
Одамлар	21
Шоираларга	22
“Куч-қувват кетади...”	22
Дилтопар қалам	23
Саодат қайтар	24
Тақдир	24
“Мен учмадим...”	25
Суҳбат	26
Хушомад ва хушсўзлик	27

Сени алдаса тар	27
“Күзларимда...”	28
Димофордик нега бунча, ҳей?	29
Ойкелинга	30
Илтико	31
“Күнглимда...”	32
“Мен кечирдим...”	32
Ёлғизлик эзади аёлни	33
Тұртликлар	34

Ишқ әзір дүримиз

Олдилар	38
Айладингиз	38
Билмади	39
Чүкмасин, жоно, хәэлинг	40
Ер оёғи етмаса	41
Хуш нигоҳинг	41
Қизганур	42
Ишқ әзір дүримиз	43
Күнглима	43
Айттыл...	44
Нигоҳларинг	45
Биз томон қайда нигоҳ?	45
Юз-күзлари	46
Дилдаги түйфу мисол	47
Жонсұз аёл	48
Билғанларинг	48
Равшан этур	49
Үлтирибсиз рүбарү	50
Гул берайми ёки дил?	51
Либос кийди	51
Айланур	52
Навоий ғазалларига мухаммаслар	53
Бобур ғазалига мухаммас	55
Оғажий ғазалига мухаммас	56
Оғажий	58
Таржималар:	58
Хофиз Шерозийдан	58
Хилолийдан	60

Адабий-бадиий нашр

**ТОҲИР ҲАҚБЕРДИЕВ
МУҲАББАТ ДИЁРИ**

Шеърлар

Муҳаррир Ж. Субҳон

Мусаввир Р. Зуфаров

Бадиий муҳаррир А. Кива

Техник муҳаррир Т. Смирнова

Кичик муҳаррир Н. Фазилова

Мусахидиҳ М. Насриддинова

ИБ № 3817

Босишига 18.02.2000 й. да рухсат этилди. Бичими 70x90^{1/32}.
Таймс гарнитура. Офсет босма. 2,34 шартли босма тобоқ.
2,4 нашр босма тобоги. Жами 3000 нусха. 1069 рақамли
буюртма. 12-2000 рақамли шартнома.
Баҳси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
Faфур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
1-босмахонасида босилди. 700002. Тошкент, Сағбон кўчаси,
1-берк кўча, 2-үй.

200



Тоҳир Ҳақбердиев 1942 йилда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани, Чархин шаҳарчасида туғилган. Самарқанд давлат дорилфунунининг филология факультетини тугатган. 35 йил ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлади. “Мұхаббатнинг юксак қояси” (1988 йил, “Сўғдиёна” нашриёти) шеърлар тўплами муаллифи.

